

Олий маъҳад ва Мир Араб олий мадрасасига кириш имтиҳони куни аниқ бўлди



19:38 / 23.08.2023 2155

Тошкент ислом институти ва Мир Араб олий мадрасасига кириш имтиҳони жорий йил 28 август куни ўтказилади.

Олий диний таълим муассасаларига кириш имтиҳони Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан тест синови шаклида ўтказилади.

Абитуриентлар имтиҳон куни қуйидаги фанлар бўйича тест синовлари топширади:

- Араб тили 30 X 3,1 - 93 балл;
- Фикҳ ва ақоид 30 X 2,1 - 63 балл;
- Ўзбекистон тарихи 30 X 1,1 - 33 балл.

Олий диний таълим муассасаларининг ижтимоий тармоқдаги саҳифаларини кузатиб боринг:

— Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти: <https://t.me/oliymahad>

— Мир Араб олий мадрасаси: <https://t.me/Mirarabuz>

Маълумот учун, Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан 5100 қисқа рақами орқали юбориладиган СМС хабарда тақдим этилган линк (электрон манзил)дан имтиҳон ўтказиладиган манзил, вақти ҳақидаги маълумотларни билиб олишингиз ва кириш имтиҳонларда иштирок этиш рухсатномаси (БМБ рухсатномаси)ни юклаб олишингиз мумкин.